



Жованни Дионджи Галени

---

«Ер юзидаги христиан дунёсида Усмонийлар давлатига ёлгиз карши чика оладиган бирор христиан ўлкаси топилмайди. Магар, бунга журъат килмокни истасалар, христиан ўлкалари бирлашмоги шарт».

Биз юкорида Тургут пошонинг шогирдларидан бири тамплиерлар (салибчилар гурухи) марказини артиллерия ёрдами билан яксон килиб, Ўрта Ер денгизида бузукилик килган салибчилар карокчиларининг кўп кисмини тор-мор этган Ислон флоти билан муваффакиятли кайтиб келганини айтиб ўтдик. У устози Тургут пошонинг ўлимидан сўнг, Ливиянинг рахнамоси ҳамда Ислон харбий-денгиз флотининг бош кўмондони бўлади. Мазкур хикоямиз кахрамони - италиялик мусулмон Килич Али пошо.

Унинг Италиядаги исми Жованни Дионджи Галени бўлган. Ислонни қабул килгач, уни Улуч Али деб атайдилар. Унинг шу исмини атокли испан ёзувчиси Мигель де Сервантес ўзининг жахонга машхур «Дон Кихот» романида ёдга олади. Сўнгра мусулмонлар халифаси Салим Иккинчи унинг жасоратини кўриб, унга Килич Али (Алининг Киличи) деб ном беради.

Кахрамонимиз тарихи Ислоннинг тирик афсонаси Хайриддин Бар-баросса кемаларининг бирида бошланади. XVI асрда Италия флоти билан Ислон халифалиги ўртасидаги тўқнашувда, Барбаросса кемаларининг бири Али Ахмад-реиснинг рахбарлиги остида 1536 йили Италиянинг жанубий сохилларига хужум килади. Шунда мусулмонлар христианларнинг бир гурухини асир олганда, улар орасида Ита-лиянинг Калабрия вилоятидаги Ле Кастелла кишлогидан 17 ёшли бир ёш йигит бор эди. Отаси христиан динидан таълим олиши учун, уни бир монастирга юборади. Уни отаси черков хизматчиси бўлишини истаса ҳам, пешонасига бошка тақдир битилган экан. Бу ёш йигит Ислон флоти кемаларида эшкак эшувчи бўлиб хизмат килади. Мусулмонлар билан аралашиб юриб, унда Ислон динига бўлган мухаббат пайдо бўлади. Христиан динида топмаган саволига Ислондан жавоб топади. Аллох таоло унинг калбига иймон нурини солиб, Ислонини ошкор килади. Шундай килиб у мусулмонлар билан Ислон кемаларида салиб

юришчиларига карши курашиб, мусулмон баходирларидан бирига айланади. Киска фурсат ичида Али Ахмад-реиснинг кемаларини бирига етакчилик килади. Кўлга киритган ўлжалари натижасида, ўзи учун бир кема сотиб олиб, Хайриддин Барбароссанинг ўгли Хасанга кўшилиш мақсадида, Алжирга қараб сузиб кетади. У энг содик ва жасоратли раҳбарлардан бўлганлиги учун, тез орада амирининг ишончига сазовор бўлади. Хасан Барбаросса уни Алжирнинг Тлемсен шаҳрига волий этиб тайинлайди. Килич Али пошо нафакат оқил бошқарувчи, балки жанг майдонларида жасорат кўрсатувчи кучли баходир ҳамдир. У Ис-паниянинг сохилларига хужум қилиб, христианларнинг инквизациясидан бир канча мусулмон биродарларини қутқарган. Испанияга қарши бир неча тўқнашувларда етакчилик қилиб, барчасида муваффақият қозониб, ўзининг фаоллигини кўрсата олган. Шундай қилиб, Ўрта Ер денгизига ҳавф солган Тургут пошонинг флотига қелиб қўшилади. У Тургут пошога шогирд бўлиб, Сицилияга бўлган муҳорабада бирга иштирок этади. Тургут пошога қўшилгандан кейинги ўзининг биринчи юриши Мальтага бўлиб, 1551 йили 16 июлда Газо шаҳрига эгалик қилади. 1551 йили 15 августда Тургут пошо билан бирга Триполига юриш қилиб, шаҳарни тамплиерлардан озод қилдилар.

Усманийлар флотининг бош кўмондони адмирал Пияли пошо Килич Алини эришган ютуқларини кўриб, таажжубга тушади. Сўнгра Килич Алини Эгей денгизидаги Самос оролига бошлик этиб тайинлайди. Уни 1560 йили (х. 968 й.) Жерба оролидаги жангда Ислом флотининг чап канотини бошқариб, ўзининг фаоллигини кўрсата олганини юкорида айтиб ўтдик. Шунингдек, у бейлербейи (губернаторлар генерали) номига сазовор бўлиб, 1565 йили Мисрдаги Александрия шаҳрига раҳбарлик қилган. Ўша йили усманийларнинг Мальтани камал қилган флотига қелиб қўшилган. Камал жараёнида устози Тургут пошо вафот этгандан сўнг, бошқарувни ўз қўлига олади. Буюк баходирлар ўлими билан Ислом тамом бўлади деб турган тамплиерлар қалъаларига хужум қилиб, уларнинг қалбларини ларзага келтирган. Бир қаҳрамон кетидан яна бир Аллох йўлида курашувчи янги қаҳрамон пайдо бўлиши, салиб юришчиларини ҳайратга солади. Килич Алининг маҳоратли ҳарбий тажрибаси туфайли, устози Тургут пошо танасини олиб Ислом флоти билан Триполига қайтиб қелиб, уни ўша жойга дафн қилдилар. Сўнгра халифалик маркази бўлган Истанбулдан, устози Тургут пошо-нинг ўрнига Килич Алини Триполи губернатори этиб тайинлангани тўғрисида буйруқ келади. Сўнгги йилларда мусулмон баходирлари Килич Али Сицилия, Калабрия ва Неапол сохилларида бир канча муваффақиятли муҳорабалар олиб борган.

Килич Алининг юлдузи Ўрта Ер денгизида порлаб, салиб юришчиларига қарши Исломнинг афсонавий қаҳрамонига айланган чоғда мусулмонлар халифаси уни Ислом ҳарбий-базаси саналган Алжирга амир қилиб тайинлайди. Килич Али пошо янги лавозимга келаркан унинг зиммасига катта масъулиятли вазифа юклатилган эди. Улардан бири Шимолий Африкадаги салиб юришчилари қолдиқларини тозалаш бўлган. Ўзи ҳам Андалусияни қайта озод қилиш фикрида эди. Усманийлар раҳнамоси қаерда бўлмасин, мусулмонларга ёрдам қўлини чўзиб келган. Андалусия қулагандан сўнг у ерда турли азобларга гирифтор бўлаётган мусулмонлар ҳамда уларни оммавий қувгинга дучор бўлаётганликлари Усманийларни испан христианлари билан тинимсиз олишувига сабабчи бўлган. Андалусия қулаганига ўн йиллар бўлса ҳам, усманийлар уларни унутганлари йўқ. Андалусиядан дахшатли азоблардан қутқариб олиб келинганларни, у ердаги жиноятчи христианларни мусулмонларга қарши ташкил қилган инквизациясида содир бўлган воқеалар ҳақида айтилган сайин, усманийларнинг қазаби қучаяр эди.

Усманийларнинг Жанубий Европа, айникса, Андалусия сохилларига килган юришлари, у ерда колган мусулмонлардан тортиб олинган ерларни кайтариш умидларини оширар эди. Андалусия кулаган даврда, усманийлар испан христианлари билан банд бўлиб колмасдан, Византия империясининг пойтахти Константинополни кўлга киритганини айтмасак бўлмас.

Бундан аввал мориск-мусулмонларининг буюк рахнамоси Мухаммад ибн Умайя хакида хикоя килган эдик. Бу окил рахбар мусулмонларни озод килиш учун бир канча кўзголонлар уюштириб, салиб юришчила-ри кўлидан бир неча шаҳарларни тортиб олган. Агар Аллох таоло бу кўзголончиларни Усманийлар империяси баходирлари билан кўлламаганда, балки максадлари амалга ошмаган бўлар эди. Килич Али пошо кўзголонга мадад кўрсатиш учун, ташкил килинган махфий топшириқлар бажарувчи гуруҳнинг етакчиси бўлган. У хатлашиш, хуфиялар юбориш ҳамда бошка махфий йўллар билан озодлик учун курашаётган кўзголончиларнинг режаларидан хабардор бўлган. Килич Али пошо мусулмон биродарларига ёрдам бериш йўлларини излар эди. Альмерия портига Андалусия озодлиги учун курашган мусулмонларга кўп миқдорда курол-ярок ортилган 40 кемасини юборган. Андалусияликларга ёрдам бериш билан бирга, Алжирдаги испан аскарларини бутунлай яксон килишни режалаштирган. Килич Али пошо Андалусиядан испан аскарларини чиқариш учун Алжирдаги Мостаганем шаҳрига курол-аслахалар ортилган 1400 кемасини юбориб, усманийлар аскарларидан 14 минг, алжирлардан 60 минг аскар жўнатган. Буларнинг барчаси унинг режасига кўра, Испаниянинг Оран базасига хужум килинишига тайёр-гарлик бўлган. У бир пайтнинг ўзида ҳам Оран базаси ҳамда Андалусия сохилларига хужум килиб, испан кўшинини Андалусия ва Алжир ўртасига таркатиб юборишни режа килган. Лекин Аллохнинг иродаси билан Мухаммад ибн Умайянинг кўзголон режаси амалга ошгани йўқ. Андалусияда кўтарилган кўзголон амалга ошмаганига карамай, Килич Али пошо андалусияликларга ёрдамини тўхтатмаган. У 1569 йили усманийлардан бундан ҳам кўпрок аскар тузиб, 4 минг курол билан Андалусия ичига киргизишга эришган. Сўнгра у Андалусияни озод килиш учун катта кўшин тўплаб, унга шахсан ўзи етакчилик килмокчи бўлади. Айни шу дамда Европа христианлари Усманийлар давлатига юриш килиш хавфи бўлганлиги учун Салим Иккинчи Килич Алига Усманийлар флотида жилмай туришини тайинлайди. 1571 йили 25 майда Папа Пий V Усманийлар давлатининг галабалари ва уларнинг юришларига нукта қўйиш учун бутун европаликларни, айникса, Испанияни урушга чорлайди. Бу иттифок салиб юришчи-ларини Усманийлар давлати ташкил этилганидан буён уларга карши ташкил килинган 13 иттифоки бўлган. Папа Пий V амирлар ва под-шоларни салиб юришчиларининг шижоатлари каби урушга ундайди. 1570 йили 8 мартда Испания подшохи Филипп II га ёзган номаси куйидагича бўлган:

«Ер юзидаги христиан дунёсида Усманийлар давлатига ёлғиз карши чика оладиган бирор христиан ўлкаси топилмайди. Магар, бунга журъат килмокни истасалар, христиан ўлкалари бирлашмоги шарт».

Шунингдек, Папа Пий V Эрондаги сафавийлар билан ҳам хатлашиб, уларни усманийларни чалгитиш учун Шарқдаги мусулмонларга зарба беришга ундади. Христианлар Исломга карши урушишлик учун кучли бир альянс ташкил киладилар. Салиб юришчилари флоти 30 минг аскари 295 кема билан Лепанто портига келадилар. Мусулмонлар флоти уларга караганда бирмунча озрок эди. Уларга Пертев пошо ҳамда Али пошо Муаззинзаде етакчилик килган. Бу икки рахбар аввал куруқликда лашкарбошилик килиб, денгизга келишганига кўп бўлмаган эди. Уруш режасини тузишда

харбий кенгаш бир ечимга кела олмай таркадилар. Килич Али пошо рахбарлик килган денгиз кучлари кўмондонлари ҳамда усмонийлар калъаларидаги артиллериялар душманларни олдиндаги кемаларини тор-мор этиб, кучли зарба берганларида, уруш бошланмасидан усмонийларнинг кемалари салиб юришчилари флотини кувиб чикаради деган хаёлда бўладилар. Лекин Пертив пошо ва Али пошо Муаззинзаде салиб юришчиларининг флотига хужум қилишга амр қилади. Уларнинг ўжарлигини кўрган денгиз кучлари кўмондонлари усмонийлар флотининг артиллериясидан фойдаланиб, душманлар-га шиддатли зарба бериш учун очик денгизга чиқишни маслахат берадилар. Бирок бу таклиф рахбарлар томонидан четга сурилади. Бундай огир пайтда Али пошога уфқда яқинлашиб келаётган фалокат хавфи кўрингандай туюлади. Шунда у бошликларни олдида туриб шундай деб хитоб қилади:

«Хайриддин пошо ва Тургут пошолар билан бирга жанг килган аскарлар қаерда қолди? Денгиз уруши қирғоқда бўлармиди?!» Килич Али пошонинг хайкириги ҳеч нарсани ҳал қила олмади. Чунки бошликлар қарор қабул қилиб бўлган эдилар. Уруш режасига рози бўлмаса ҳам, Килич Али пошо чорасизликдан урушга қатнашишга бел боғлайди. Унга Ислом флотининг чап қаноти юклатилган эди. 1571 йили 7 октябрда икки алп флотлар ўртасида «Лепанто» жанги бошланади. Уруш шиддатли тус олади. Жангда Ислом флотининг бош кўмондони Али пошо Муаззинзаде шахид бўлади. Шундай пайтда салиб юришчиларининг чап қанотини бошқарган венециялик адмирал Бар-бариго қатл қилинади. Урушга ноқулай ер танланганлиги учун фалокат юз бериб, усмонийларнинг кемалари салибчилар артиллериясининг шиддатли хужумларига дучор бўладилар. Уруш нихоятда дахшатли кечади. Мусулмонлар флотининг ўнг қанотини бошқарган Мухаммад пошо шахид бўлади. Салиб юришчилари Али пошо Муаззинзаденинг тилла суви юргизилган ипақдан бўлган байрогини тортиб олишга муваффақ бўладилар (салиб юришчилари уни Туркияга 1965 йили қайтариб бергунча юз йиллаб Ватиканда сақлашган). Натижада Ислом флотининг ўнг қаноти ҳамда ўртаси қатта талафот кўриб, факат Килич Али пошо бошқарган чап қанот собит турган. У ўз кемаларини бир маромда бошқариб, салиб юришчиларининг Мукаддас Иоанн орденидан иборат Мальта флотини яқсон қилади. Сўнгра Мальта флотининг рахбарини қатл қилиб, байрогини тортиб олади. У бу ишни амалга оширишда кемаларининг ҳеч бири талафот кўрмагани, ўзгаларни таажжубга солган. Сўнгра қахрамонимиз қолган мусулмонларнинг кемаларини салиб юришчиларидан сақлаб қолиш учун шиддатли хужумларни уюштириб, уларни душман хужумидан узоқроққа олиб кетишга муваффақ бўлади. Килич Али пошонинг бу жангни 64 ёшида муваффақиятли ўтказётганини эшитиб, хайратга тушмасликни иложи йўқ.

Лепанто урушида иккала тараф ҳам қатта талафот кўради. Усмонийларнинг моддий талафотлардан маънавий йўқотишлари бир мунча юқори бўлган ва бу ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Чунки европаликларни енгилмас деб таърифлаган усмонийлар кўшини осонлик билан енгилиб қолиши, уларни кейинги қадамларига туртки бўлади. Бу йўқотишларга қарамай, усмонийлар баҳодирлари байроқларини туширганлари йўқ. Килич Али пошо халифаликнинг маркази Истанбулга 87 кемаси билан кириб борганларида, бу пахлавон баҳодирни кўрган одамлар «Аллоху акбар!» такбири остида кутиб оладилар. Сулаймон Конуний ўғли Салим Иккинчи Килич Али пошони шахсан ўзи кутиб олади. Шу куни Салим Иккинчи қахрамонимизнинг Улуг Али деган исмини Килич Али деб ўзгартирган. Халифа уни Ислом харбий-денгиз базасига бош кўмондон этиб тайинлайди. Килич Али пошо Усмонийлар флотини аввалгидан ҳам кучли тайёрлаш учун Истанбулда

бир ой туриб, сўнгра салиб юришчиларига мусулмонлар хали хам бор эканини, Ўрта Ер денгизида хали хам хукмдорлигини кўрсатиб қўйиш учун, денгиз томон сузиб кетади. Усманийлар флотини қайта тиклашни халифа Салим Иккинчи шахсан ўзи назорат қилиб, унга кетган чикимларни ўз хисобидан беради. Кема ясаш учун султон саройидаги сайил богини бўшаттирган. Венеция ва бошқа христиан ўлкалари Лепантодаги галабаларини нишонлаб, галабаларини абадий саклаб қолиш учун хайкаллар бунёд этишаётган бир пайтда усманийлар янги флот тузиш учун бор гайрат билан тайёргарлик кўрмокда эдилар. Улар бир киш мавсумида уруш учун мўлжаланган 153 катта кема ясайдилар. Шундай қилиб, Усманийлар бир йилда Лепантода тор-мор этилган кемалардан кўпрок ва кучлироқ кемалар ясашга муваффақ бўладилар. Бу Усманийлар империясининг кудрати хали хам мавжуд эканидан далолат эди.

Реванш фурсати етди... Салиб юришчиларининг Кипрга хужум қилиш хабари етиб келгандан сўнг 1572 йили қахрамонимиз Килич Али пошо 245 кема билан Истанбулдан Кипр томон йўлга чиқади. Усманийлар флотига қарши бас келолмаслигини билган салиб юришчилари ортга чекинадилар. Лекин Ислом флоти уларни ўз холига қўймай, 1573 йили 7 мартда Венеция билан қуйидаги шартларга кўра сулх тузади: Венеция Усманийлар давлатига 300 минг олтин лира товон (контрибуция) тўлаш; Венецияга қарашли бўлган Занте ороли учун солиқни 500 лирадан 1500 лирага кўтариш; Кипрни Усманийлар давлати ҳимоясида эканини тан олиш. Шундай қилиб, Ислом флоти яна Ўрта Ер денгизида ўз хукмдорлигини давом эттиради.

Айнан ўша пайтда Усманийлар халифаси протестант Британия билан иттифок бўлишга сулх тузган. Британия кироличаси Елизавета I католик Испанияга қарши иттифок тузиш учун мусулмонлар халифаси Мурод III билан алоқа қилган. 1587 йили 21 июнда Ислом уммати буюк қахрамони Килич Али пошо билан видолашади. Сўнгра уни халифалик маркази Истанбулга дафн этадилар. Биз мактаб дастурларида унинг исмини эшитмаган бўлсак, Италия ҳукумати уни мусулмон бўлганлигига қарамай, унутгани йўқ.

Италияликлар 1989 йили Килич Али пошонинг тугилган юрти Ле Кастеллега унинг хайкалини бунёд этганлар.

... Андалусия қулашига нима сабаб бўлган?

Андалусия цивилизациясининг буюк меросини саклаб қолган Магриблик мусулмон қахрамони ким бўлган?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан